

**МАКТАБ ИЧИДА БИР МАКТАБ
(ЁХУД “ЁШ ТЕМУРБЕКЛАР” ҲАРБИЙ СПОРТ МАКТАБИ)**

Хусанова Дилором Юсуповна ¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиси фундаментал
кутубхонаси “Электрон бўлими” бош мутахасиси

**МАҚОЛА
МАЪЛУМОТИ:**

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 24.12.2024

Revised: 25.12.2024

Accepted: 26.12.2024

“Ёш Темурабеклар” ҳарбий спорт мактаби ўз ичига бир қанча йўналишларни қамраб олган. Унда болалар Ватанга муҳаббат, ота-онага меҳр, дўстга садоқат, каттага иззат, кичикка ҳурмат каби кўникмаларни ҳам ўрганишади.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

*маскан, тингловчи,
тарбия*

Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони*

КИРИШ. Ҳозирги кунда Республикамиз миқёсида ёшларимизга жуда кўп имкониятлар яратилмоқда бунга мисол сифатида оладиган бўлсак, Олий таълим, ўрта махсус таълим, мактабгача таълим муассасаларида ҳам “Нодавлат таълим масканлари” ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Нодавлат таълим масканлари (НТМ) иш фаолиятига назар ташласак, фарзандларимиз учун турли хил қўшимча дарсларга ва ўзи танлаган соҳасига оид турли-туман тадбирлар олиб боришади. Бу таълим масканларининг яна бир

аҳамиятли жиҳатлари шундаки, таълим олаётган ҳар бир ўқувчисини ўз қизиқишларига қараб йўналтира олади.

Ҳозирги кунда болаларга таълим тарбия бериш, уларнинг ўқув куникмаларини ошириш мақсадида устоз ва мураббийлар тинимсиз ҳаракатлар олиб бормоқда. Ўз меҳнати самарасини кўриш мақсадида турли хил тренинглар, машқ дарслари, фарзандлар рухиятини кутариш, илм-фанга бўлган иштиёқини ошириш мақсадида турли-туман тадбирлар олиб боришмоқда.

Мисол тариқасида оладиган бўлсак Қибрай тумани 11-сонли умумтаълим мактабида ҳам ана шундай бир таълим маскани ўз фаолиятини олиб боради.

“Ёш Темурбеклар” ҳарбий спорт мактаби ўз ичига бир қанча йўналишларни қамраб олган. Унда болалар Ватанга мухаббат, ота-онага меҳр, дўстга садоқат, каттага иззат, кичикка ҳурмат каби кўникмаларни ҳам ўрганишади.

Ҳар бир тингловчисини ўзи хоҳлаган касбга йўналтириши билан ҳам аҳамиятлидир. Нодавлат таълим маскани бошлиғи Юлдуз Бойназарова ҳамда мактаб маъмурияти ҳар бир тинглавчисига ўз ўғли, ўз кизи, ўз укаси, ўз синглисидек муносабатда бўлиши ҳар бир тингловчи ёшларни шижоатига янада шижоат қўша олади. Гуёки ҳар бир тингловчи ҳарбий формада ўзини ёшлигидан мурғак юракларида ўз Ватани, ота-онаси, ака-укаси, опа-синглисини ҳимоячиси ва таянчидек маъсулиятли инсон сифатида кўра бошлайди.

Уша муҳитда тарбия олаётган ҳар бир тингловчи келажакда қайси соҳада бўлмасин, ўз соҳасининг етук мутахасиси бўла олади.

Дарс жараёнларига назар ташлар эканмиз, ҳар бир тингловчини қизиқишига қараб чўқурлаштирилган блок фанларга тайёрлашади. 11-сонли мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда ҳар ойда Бухоронинг Қоракўл тумани мактаблари билан тузилаган шартнома асосида “Давлат тест маркази” дан тест саволлар олиб болаларни давлат имтихонларига тайёрлашади.



Бундан ташқари юртимизда бўлиб ўтадиган ҳар бир тадбир “Ёш Темурбеклар” ҳарбий спорт НТМ тингловчилари иштирок этишади. Турли хил трюкларни намоиш этишади. Тингловчиларнинг хоши – истаги ва қизиқишларига қараб комондаларга ажратилган булар: “Ватан таянчи”, “Миллий гвардия”, “Спец (танланган десантчилар гуруҳи)”, “Ҳарбий қизлар гуруҳи” ва ҳокозолар.



Тадбирлар давомида миллий ананаларимизга содиқ қолган ҳолда боболаримиз ва момоларимиз ўйнаган арқон тортиш, ланка тепиш, қўл кучини синаш, миллий кураш ва бир-биридан қизиқарли трюк ва ўйинлар тингловчилар томонидан намоиш этилади.



Мактабда ёзги лагер ҳам ташкил этилган бўлиб тингловчилар ота-оналари билан ҳамкорликда юртимиз тоғли ҳудудларига саёҳатлар амалга оширилади.

Лагер давомида тингловчилар ўз сафдошлари билан янада яқинлашиб дўстлашиб, ўртоқлашади. Гуруҳларга бўлиниб ҳар соҳада ўз маҳоратларини синовдан ўтказишади. Турли – туман тадбирларда фаол иштирок этишади.



Мактабда асосан тингловчилар йилда бир ой дам олишади, аммо мактаб маъмурияти тинимсиз янгиликлар билан тингловчиларни ўзларига жалб этишади.



Каникул даври бўлишига қарамасдан ҳар хил кўнгил очар тадбирларга тингловчиларни ота-оналари билан таклиф этишади. Бундан кўзланган мақсад эса битта, ҳар бир тингловчи ўзини ва ўзлигини англай олшиши, келажакда ким бўлишидан, қайси соҳада фаолият юритишидан қатий назар инсонийлигини намоён эта оладиган етук кадрлар бўлиб етишишига кўмаклашишдир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлай оламизки, биз ота-оналар ҳар бир фарзандимиз тарбияси мана шундай маъсулитли, ўз соҳасининг етук мутахассислари кўлида экан. Ўз фарзандларимиз келажagini ўзи севган ва меҳр қўйган касбида кўра оламиз. У тингловчи қайси соҳада фаолият юритмасиз ҳар бирининг юрагида Ватанга мухаббат, юртига садоқ туйғулари жўш ўриб туради. “Ёш Темурбеклар” ҳарбий спорт мактаби НТМ маъмуриятига эса ўз ишларини бундана кўпроқ янгиликлар билан бойитишини кўтамиз ва ишларига омад тилаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” Тошкент:- Ўзбекистон. 2022 й.
2. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2022 й.
3. Тўхтаўжаев М. Педагогика дасрлик.- «Ўқитувчи».- Тошкент.: 2010 й.